



XALQ DEPUTATLARI TOMDI TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 31 - dekabr

VI-46-206-5-75-K/22

Tomdi tumani hokimligi

Томди туманининг 2023 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари, “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сонли Қонунига мувофиқ ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2022 йил 31 декабрдаги VI-45-184-5-0-K/22-сонли қарорини инобатга олиб, халқ депутатлари Томди тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-813-сонли Қонуни ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2022 йил “31” декабрдаги VI-45-184-5-0-K/22-сонли қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг 2022 йил “31” декабрдаги VI-45-184-5-0-K/22-сонли қарорига мувофиқ, Томди туманининг туман маҳаллий бюджетининг 2023 йил учун даромадлари 31913542,0 минг сўм, харажатлари 59665949,0 минг сўмга тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ;

2023 йил учун туманнинг туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини

тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Томди тумани бўйича Ғазначилик бўлими томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин;

2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 4-иловага мувофиқ;

2023 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджетининг даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2023 йил учун туманнинг туман бюджетининг шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. 2023 йил учун туманнинг туман бюджетининг захира жамғармаси ҳажмлари 531346,0 минг сўм миқдоридан белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

туман бюджетининг 2023 йил учун захира жамғармаси тегишли бюджет тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдоридан шакллантирилсин.

Белгилаб қўйилсинки, туман бюджетининг ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетининг захира жамғармаси миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

5. Ўзбекистон Республикасининг мазкур қонуни билан 2023 йилда халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларининг ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзи юрар машиналари ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланилганлиги учун солиқ;

мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2022 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинсин.

а) Томди туманининг туман бюджети даромадлари туман маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

Томди тумани маҳаллий бюджети даромадларининг харажатларидан юқори бўлганлиги инобатга олиниб, Томди туманида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ вилоят ва туман бюджетлари ўртасида тенг улушларда тақсимланади;

б) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туман бюджети ўртасида тақсимланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-409-сонли қарорига асосан 2023 молия йилидан бошлаб;

а) “Обод қишлоқ” дастури доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланади.

Бунда, аҳоли томонидан амалга оширилиши таклиф этилаётган тадбирлар ҳар бир маҳалла бўйича битта лойиҳалар пакети шаклида овозга қўйилиши;

б) Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида шакланган қўшимча маблағларнинг 30 фоизи туманда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун туман Фуқаролар ташаббуси жамғармасига мавжуд аҳоли сони ва маҳаллалар сонидан келиб чиқиб, тенг улушларда йўналтирилиши;

в) ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари учун туман бюджетининг 5 фоизи миқдорида, бироқ камида 6,0 млрд.сўм маблағ режалаштириш белгиланганлиги;

г) “Обод қишлоқ” дастурини жамоатчилик фикри асосида ташаббусли бюджетлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилишининг янги тартиби ишлаб чиқилиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров), Молия бўлими (Қ.Игиликков), Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Бердиев) ва масъул ташкилот, муассасалар билан биргаликда:

тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озик-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетининг прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

туман маҳаллий бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Бердиев) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлилилар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўлолари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

мазкур йўналишда жаоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

Бунда, хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

Кадастр агентлиги туман бўлими (О.Ҳамдамов) билан биргаликда туманда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

9. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров), туман давлат солиқ инспекцияси (Ш.Бердиев):

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган қарерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган қарерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган қарерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган қарерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан

“маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб кўйилсин.

10. Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қуватлаш бўлими (А.Жузгенов) овул фуқаролар йиғинлари билан биргаликда жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

11. Халқ депутатлари вилоят Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Л.Баянасов):

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга, натижалари бўйича тавсиялар беришга, мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти (Р.Сибаяев), туман молия бўлими (Қ.Игиликов):

туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак яқунларига кўра, кейинги

чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб борилсин.

13. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (О.Умаров), халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти ва тегишли ташкилот, муассаса раҳбарлари:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир мартаба ҳисобот киритиб борсин.

14. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

15. Мазкур қарор “Тамды шаруагері” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

16. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

17. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



К.Т.Алдабергенов

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
1-ilova

2023 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

минг.сўмда

№	Даромад тури	Томди тумани
	Жами даромадлар	31 913 542
I.	Рағбатлантирувчи (Стимулирующие) даромад	1 631 200
	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	16 312 000
	ажратма меёри	10
1.	маҳаллий бюджетга	1 631 200
II.	Бириктирилган даромадлар	27 737 500
	Туман ва шаҳарларга бириктирилган	5 479 000
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	
2	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	624 000
3	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда	4 388 000
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	467 000
	Вилоят ва туман (шаҳар)лар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган даромадлар	22 258 500
1	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	44 517 000
	ажратма меёри	50
	маҳаллий бюджетга	22 258 500
III.	Тақсимланувчи даромадлар (формула бўйича)	2 544 842
	<i>Аҳоли сони (минг киши)</i>	15 671
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	1 029 519
	Тамаки махсулотларига акциз солиғи	1 073 719
	Мобил алоқага акциз солиғи	441 604
	<i>Маълумот учун: 2022 йил параметр</i>	26 791 600
	ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР	59 665 949
	ТРАНСФЕРТЛАР	27 752 407

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
2-ilova

2023 йил учун тумanning туман бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдори

		минг. сўм
№	Кўрсаткичлар номи	Томди туман
	Харажатлар - жами	59 665 949,0
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами	33 774 065,0
	<i>шу жумладан:</i>	
1.1	Маориф	8 164 234,0
	- Мактабгача таълим	2 208 166,0
	- Умумий таълим	5 956 068,0
1.2	Соғлиқни сақлаш жами	20 125 463,0
	Соғлиқни сақлаш	20 125 463,0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	3 269 130,0
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	1 461 689,0
	- Спорт	1 807 441,0
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	2 160 782,0
1.9	Ижтимоий кўникма марказлари	54 456,0
2.	Иқтисодиётга харажатлар	9 475 462,0
2.1	Ички хўжалик автомобил йўлларини таъмирлаш харажатларига	3 000 000,0
2.3	Ободонлаштириш	4 883 625,0
2.14	Ветеринария қўмитаси	1 471 059,0
2.17	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	120 778,0
4.	Давлат бошқарув органларини сақлаш	9 294 301,0
	<i>шу жумладан:</i>	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	9 294 301,0
5.	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	590 775,0
6.	Захира жамғармаси	531 346,0
7.	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	6 000 000,0
I	ЗАХИРА	531 346,0
II	ОПЕН БЮДЖЕТ	2 656 730,0
I	ЗАХИРА фоизи	1,000%
II	ОПЕН БЮДЖЕТ фоизи	11,292%

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
3-ilova

2023 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари

Фойзда

T/P	Туманлар номи	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда
1.	Томди тумани	100	100	10	50	100

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
4-ilova

**2023 йил учун туман маҳаллий бюджетининг даромадлари ва
харажатларининг прогнози**

минг сўм

Худуд номи	Даромад	Харажат
Томди тумани	31 913 542,0	59 665 949,0

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
5-ilova

**2023 йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратилadиган
тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдори**

минг сўмда

Туман	Тартибга солувчи трансферт миқдори
Томди тумани	27 752 407,0

Xalq deputatlari Tomdi tuman
Kengashining
2022 yil 31 dekabrda
VI-46-206-5-75-K/22-son qaroriga
6-ilova

**2023 йил учун тумanning туман бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида
турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори**

миңг сўмда

Т/р	Худуд номи	Миқдор
1.	Томди тумани	241 741,0